ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
O'.K.U.F. F.T.U.U.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

2006 йил 9 август, чоршанба № 131 (2180)

# Ishonch

**Ушбу сонда:**

2 ҲУҚУҚИМИЗНИ БИЛАЙЛИК, УНИ ҲИМОЯ ҚИЛА ОЛАЙЛИК!
3 «КОСОНСОЙ» «Йилнинг энг яхши санаторийси» танлови ғолиби
4 КЎЗИДА ҚУЁШ КУЛГАН ОДАМ




## ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОРТМОҚДА

*Хорижий сармоялар ҳисобига барпо қилинган корхоналар фаолиятини ривожлантириш, уларни жаҳон бозорида рақобатбардош сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришларига кўмаклашиши мақсадида Республикамиз ҳукумати томонидан бир қатор Фармон ва қарорлар қабул қилинмоқда.*

*Пойтахт вилоятида айни пайтда 163 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Вилоят Давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи Аббосхон Валиевнинг айтишича, вилоят ҳудудидаги қўшма корхоналарнинг 128 тасининг Низом жамғармаси 1 миллион АҚШ долларигача, қолган 35 тасиники эса 1 миллион АҚШ долларидан ортиқ миқдорни ташкил қилади. Вилоят бўйича жорий йилнинг 1 апрел ҳолатига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатга олинган хорижий сармояга эга корхоналар томонидан жами қўлланилган солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар 4199,9 миллион сўмни ташкил этгани ҳолда ушбу солиқдан бўшаган маблағлар корхоналарнинг айланма маблағларини кўпайтиришга ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтиришга йўналтирилган.*

*Бир мисол, Чирчиқ шаҳридаги «Бурсел Тошкент Текстил: МЧЖ» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси ана шундай инвестициялар иштирокида ташкил этилган корхоналардан биридир. Умумий лойиҳа қиймати 39 миллион 952 минг АҚШ долларини ташкил қиладиган бу йирик мажмуада йилига 56 миллион 880 минг донадан зиёд 10 турдаги трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Булар эркаклар, аёллар ва болаларнинг турли кийимлари, кўйлаклар, футболкалар ва ҳоказолардир. Қувонарлиси, қўшма корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар жаҳон бозорида ниҳоятда харидоргир.*

**Суратда: қўшма корхона ишчиси Олеся Кадирова.**

**Д.ЮСУПОВ (ЎзА) олган сурат**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
## ҚАРОРИ

# «Ўзтрансгаз» акционерлик компанияси фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

***Газ тақсимлаш тармоқларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш соҳасида ягона сиёсатни шакллантириш, республика истеъмолчиларига табиий газни етказиб бериш ва сотиш бўйича самарали бошқарув тизимини яратиш, шунингдек, табиий газдан оқилона фойдаланиш ва газ учун тўлов интизомини мустаҳкамлаш мақсадида:***

1. Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб- қувватлаш давлат қўмитаси, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги ва «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясининг:

ҳудудий газтаъминоти корхоналарини (бундан кейин ҲГК деб аталади) «Ўзкоммунхизмат» агентлиги таркибидан «Ўзбекнефтгаз» МХКга қарашли «Ўзтрансгаз» АК таркибига ўтказиш;

барча тоифадаги истеъмолчиларни газ билан таъминлаш учун ҲГК негизида «Ўзтрансгаз» АК нинг унитар корхоналари шаклида 6 та ҳудудлараро корхона ташкил этиш орқали республика истеъмолчиларига табиий газ етказиб бериш ва сотиш бўйича ягона технологик тизимни яратиш;

ҳудудлараро газ таъминоти корхоналарига «Ўзтрансгаз» АК шартнома топшириғи асосида газ тақсимлаш тармоқларини ишлатиш ва табиий газни сотиш бўйича ваколатларни бериш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. «Ўзтрансгаз» АКнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

магистрал газ қувурлари, компрессор станциялари, ер ости газ омборлари, газ тақсимлаш тармоқлари ва ускуналарини ишлатишда хавфсизлик қоидаларининг меъёрий талабларига амал қилган ҳолда республика истеъмолчиларини белгиланган тартибда табиий ва суюлтирилган газ билан узлуксиз таъминлаш;

магистрал газ қувурлари тизими ва газ тақсимлаш тармоқларида ягона техник сиёсатни олиб бориш, бунда уларни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашни ҳисобга олиш ҳамда табиий газни ташиш технолигияси ва гидравлик балансига риоя этиш;

магистрал газ қувурлари тизими ва газ тақсимлаш тармоқларида табиий газдан оқилона фойдаланилишини таъминлаш;

замонавий ҳисоблаш жиҳозлари ва усулларини жорий этган ҳолда сотилган газ қатъий ҳисоб-китоб қилиниши ва тушумнинг тўлиқ топширилишини таъминлаш, табиий газнинг исроф қилиниши ва асоссиз ишлатилишини камайтириш чораларини кўриш, газ тармоқларига ноқонуний уланиш ва газни ўғирлаш ҳолларининг олдини олиш ва қонунчиликка мувофиқ равишда бартараф этиш;

экспортга табиий газ етказиб бериш ҳажмини ошириш ва уни ташиш бўйича кўрсатилаётган хизматларни кенгайтириш.

3. Қуйидагилар:

«Ўзтрансгаз» АК нинг ташкилий тузилмаси ва ижро аппарати тузилмаси, ходимларнинг умумий сони 157 бирлик, шу жумладан бошқарув ходимлари 109 бирлик сифатида 1, 1а ва 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин;

«Ўзтрансгаз» акционерлик компаниясининг ҳудудлараро унитар корхоналари ва ҳудудлараро унитар корхонанинг туман (шаҳар) бўлимлари намунавий тузилмаси 3 ва 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилаб қўйилсин:

«Ўзтрансгаз» АК «Ўзкоммунхизмат» агентлиги томонидан фаолиятнинг тегишли йўналишида тузилган шартнома ва мажбуриятлар бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади;

«Ўзтрансгаз» АК нинг ҳудудлараро унитар корхоналари ҲГК шартнома ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади.

5. Идоралараро комиссия таркиби ва Ўзбекистон Республикасида газ таъминоти тизимини қайта ташкил этиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар 5 ва 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Идоралараро комиссия (Э.Р.Шоисматов) «Ўзбекнефтгаз» МХК ва «Ўзтрансгаз» АК билан биргаликда:

икки ой муддатда ҳудудий газтаъминоти корхоналарининг қабул қилинган мол-мулкини 2006 йил 1 июль ҳолатига кўра инвентаризациядан ўтказсин ва қонунчиликда белгиланган тартибда баҳоласин;

2006 йил 1 сентябргача бўлган муддатда ҲГК ни қайта ташкил этиш бўйича зарур чора-тадбирлар мажмуини амалга оширсин ва уларнинг негизида «Ўзтрансгаз» АК нинг ҳудудлараро унитар корхоналарини ташкил этсин;

ҲГК қайта ташкил этилаётган даврда табиий ва суюлтирилган газ истеъмолчиларга узлуксиз етказиб берилиши, белгиланган техник ва ёнғин хавфсизлиги нормаларига риоя этилишини таъминласин;

«Ўзтрансгаз» АК нинг ҳудудлараро унитар корхоналарини юқори малакали кадрлар билан таъминласин.

7. «Ўзбекнефтгаз» МХК, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ва «Ипотекабанк» АТИБ билан биргаликда бир ой муддатда «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг хорижий кредитлар ва Ҳукумат қарорларига кўра берилган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг кредитлари бўйича қарз мажбуриятлари юзасидан кредит ҳужжатларига тегишли ўзгаришлар ва қўшимчаларни белгиланган тартибда расмийлаштирсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги юқорида кўрсатилган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси кафолатига тегишли қўшимчаларни белгиланган тартибда расмийлаштирсин.

8. Белгилаб қўйилсинки, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги ҲГК нинг берилаётган мулки «Ўзтрансгаз» АК нинг солиқларини ҳисоблашда солиқ базасига қўшилмайди.

9. «Ўзтрансгаз» АК ва унинг бўлинмалари «Ўзкоммунхизмат» агентлиги ҲГК нинг берилаётган автотранспорт воситалари қайта рўйхатдан ўтказилганда Республика йўл жамғармасига йиғимларни тўлашдан, шунингдек, етказиб берилган табиий газ учун қарзни ундириш тўғрисидаги хўжалик судлари ва фуқаролик ишлари бўйича судларда кўриб чиқиладиган даъво аризалари бўйича олдиндан давлат божини тўлашдан озод қилинсин, давлат божи айбдор томондан ундирилсин.

10. «Ўзбекнефтгаз» МХК ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда мазкур қарордан келиб чиқиб қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

11.Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 8 август

*Шарҳловчи минбари*

## ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ:

# ҲАКАМГА ҲУҚУҚ КЕРАК

***Ўтмишдан шу нарса маълумки, ҳамма даврларда ҳам одамлар ва давлатлар ўртасида турли низолар, келишмовчиликлар, қарама-қаршиликлар ва уруш-жанжаллар бўлиб турган. Бундай ҳолат, сўзсиз, қон тўкишларга, жудолик ва жабр-ситамга, жаҳолатнинг кучайишига, вайронагарчиликларга сабаб бўлган. Биргина йигирманчи асрнинг ўзида икки марта жаҳон уруши бўлди. Қадимда уруш-жанжалларнинг олдини олиш, агар бошланган бўлса, уларни тўхтатишда юрт улуғлари зиммасига жуда катта масъулият тушган. Яъни, юрт улуғлари қозилик қилишга мажбур бўлишган. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг эса, дунё халқлари ўзларига Олий Ҳакамни — Бирлашган Миллатлар Ташкилотини сайлаб олишди. Демак, энди ер юзида ҳар қандай низолар ва уруш-жанжалларнинг олдини оладиган, зўравонларни жиловлаб, хўрланганларни ҳимоя қиладиган, ер юзида тинчлик ва барқарорлик ўрнатиб, хавфсизлик ва ҳамкорликни таъминлайдиган ҳакам бор.***

Бу ҳакам ўз ҳаракат ва ҳуқуқ дастурига — Низомига эга. Ана шу ҳужжатга кўра, БМТнинг халқаро ҳакамликни таъминлашдек ўта масъулиятли вазифаси Хавфсизлик Кенгаши зиммасига юкланган. Хавфсизлик Кенгаши бешта доимий (АҚШ, Буюк Британия, Франция, Россия, Хитой) ҳамда Бош Ассамблея томонидан икки йил муддатга сайланадиган ўнта доимий бўлмаган аъзолардан иборат. Доимий аъзолар «вето», яъни қабул қилинаётган қарорни ман этиш ҳуқуқига эга. БМТнинг 1945 йил июн ойида қабул қилиниб, ўша йили октябр ойида кучга кирган Уставида Бош Ассамблея билан Хавфсизлик Кенгашининг вазифалари ҳамда ҳақ-ҳуқуқлари аниқ белгилаб берилган. Бош Ассамблея таркибига БМТнинг барча аъзолари киради. Унга ҳар бир давлат бештадан кўп бўлмаган делегатни вакил қилади. Ҳар бир аъзо давлат битта овозга эга. Тинчликни сақлаш, хавфсизликни таъминлаш, бюджет ва янги аъзолар қабул қилиш билан боғлиқ масалаларда овозларнинг учдан икки қисми зарур. Бошқа масалаларда қарор оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Агар Хавфсизлик Кенгашини ислоҳ қилиш, яъни унинг сафини кенгайтиришга дахлдор масала кун тартибига қўйилса, қарор қабул қилиш учун овозларнинг учдан икки қисми зарур бўлади. Бу масала атрофида кўпдан бери гап-сўз бўлиб турибди.

Ўзбекистон БМТ билан 1992 йилнинг мартидан бери ҳамкорлик қилиб келмоқда. Халқаро ҳакам билан ҳамкорликда иккита жиддий тадбир ўтказилди. Бири БМТ ҳомийлигида Орол денгизи ҳавзасини барқарор ривожлантириш муаммолари бўйича Нукусда халқаро конференция ўтказилганлиги бўлса, иккинчиси Марказий Осиёда хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорликка бағишланган Тошкент халқаро семинар-кенгашидир. Кейингиси жаҳон миқёсида катта акс-садо берди. Унинг ишида БМТнинг махсус делегациясидан ташқари Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари бўлган давлатларнинг юқори мартабали делегациялари, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти, Ислом конференцияси ташкилоти ва бошқа халқаро тизимларнинг вакиллари иштирок этишди. Анжуманда муҳим тарихий ҳужжат — Баёнот қабул қилинди. Умуман, Тошкент халқаро семинар-кенгаши БМТ дунё кун тартибига киритган масалаларни ҳал қилишга қўшилган муносиб ҳисса бўлди.

Бугунги кунда халқаро ҳакам — БМТ зиммасида турган вазифалар масъулияти жуда катта. Асрдан асрга ўтиб келаётган Яқин Шарқ тугуни, Ироқда юзага келган мураккаб вазият, Афғонистон, Болқон, Кипр, Кашмир муаммолари, халқаро терроризм ва наркобизнесга қарши кураш, қочоқлар, очлик, қашшоқлик, гуманитар ҳалокат ва атроф-муҳитнинг ифлосланиши билан боғлиқ муаммолар, айрим минтақалардаги ҳудудий ва миллий-этник низолар, геосиёсий ва бошқа манфаатларнинг тўқнашувлари — буларнинг ҳаммасига холис ҳакамлик қилиш масъулияти БМТ зиммасида. Тўғриси, бу жуда оғир ва мураккаб вазифа. Бу вазифани уддалаш учун нафақат ташаббус, ташкилотчилик, қатъиятлик ва изчиллик, балки ақл-идрок ҳам керак. БМТ Бош котиби Кофи Аннан мухбирларга берган бир интервьюсида, бугунги дунё муаммоларга тўла, уларни фақат ақл-идрок ва донолик билан ҳал қилиш мумкин, мен бу дунё донолар учун деган бўлардим, дея ўз фикрини ифодалаган эди.

Албатта, буларнинг ҳаммаси тўғри. Акс ҳолда БМТ фаолиятида таъсирчанликни ошириб ва кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Шу ўринда яна бир муҳим жиҳатни таъкидлаб ўтмоқчимиз. Агар БМТнинг ваколатлари ва ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашнинг таъсирчан механизми яратилмаса, халқаро ҳакамликнинг самараси ҳам, натижаси ҳам бўлмайди. БМТ қарор қабул қилса қилибди-да, деб уни менсимайдиган ва қарорни бажармайдиган давлатлар топилади. Топилади эмас, ундай давлатлар кўпайиб боряпти. Ҳатто Хавфсизлик Кенгашининг қарорларини ҳам назар-писанд қилмаётган давлатлар бор. Бундай пайтда БМТнинг обрўси-ю ҳақ-ҳуқуқи қаёқда қолади? Агар ўз сўзини ўтказа олмаса, у қандай ҳакам бўлади? Ҳеч қандай чора кўрилмаганидан кейин бу иллат халқаро миқёсда илдиз отиб бораверади-да, шундай эмасми?! Биз қуйида ўз фикримизни ҳаётий мисоллар билан исботламоқчимиз.

Ўтган олтмиш йилда БМТнинг қарорларини бажармаслик ҳолатлари кўп марта кузатилди. Келинг, яхшиси, илгари ўзимиз яхши билган собиқ СССРдан бошлайлик. Совет қўшинлари Хавфсизлик Кенгашининг рухсатисиз дастлаб Венгрияга, сўнгра Чехословакияга ва ниҳоят Афғонистонга бостириб кирди. БМТни менсимаслик ўшанда бошланган бўлса, кейинчалик бундай ҳолат авж олиб кетди. Эсланг, Хавфсизлик Кенгашининг 1967 йилда Яқин Шарқ, кейинчалик Кашмир, Кипр, Болқон, Афғонистон ва бошқа жойлардаги вазиятлар бўйича қабул қилган бир қанча қарорлари бажарилмай қолиб кетди. Коалицион қўшинлар Ироққа Хавфсизлик Кенгашининг рухсатисиз бостириб кирди. Ана сизга халқаро ҳакамнинг қарорига муносабат? Ана сизга ҳакам устидан зўравонликнинг оқибати? Ана сизга кўпдан бери жаҳон ҳамжамияти ва жаҳон жамоатчилигини ҳайратга солиб келаётган ҳолат?

Кўп ҳолларда халқаро ҳакам нималарга қодир-у, нималарга қодир бўлмай қолаётганлиги боиси шундан. Ҳакам қабул қилган қарорларнинг ижросини таъминлаш механизми мукаммал эмаслигининг сабаби шунда. БМТ Бош котибининг ваколати ва ҳақ-ҳуқуқи чегараланганлигининг оқибати шу. Бош котиб қарор қабул қилишда Хавфсизлик Кенгашида ҳал қилувчи овозга эга бўлган бешта давлатнинг райига қараб иш кўради. Бу беш давлат эса кўп ҳолларда энг долзарб масалалар муҳокамасида бир-бирларига нисбатан хайрихоҳлик кўрсатишмайди. Жумладан, илгари кўп йиллар мобайнида АҚШ билан собиқ СССР Хавфсизлик Кенгашида бир-бирларининг таклифларини ўтказмаслик учун ёмон маънода рақобатчи бўлиб қолишганди, шунинг учун ҳам халқаро ҳаётда турли инқирозлар келиб чиқди.

Бундай вазиятни ҳозир ҳам кузатиш мумкин. Масалан, вазият жуда мураккаблашиб кетган Ироқ масаласи тугул, Ливанда юзага келган бугунги ҳолатни олиб кўрайлик. Ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш юзасидан Хавфсизлик Кенгашига киритилган таклифларда жиддий фарқ бўлди. Бирида олдин дарҳол ўт очишни тўхтатиш таклиф қилинса, иккинчисида бир томон иккинчи томонни ер билан яксон қилиб бўлганидан кейин отишмаларга барҳам бериш таклиф қилинди.

Умуман, Ливан билан боғлиқ вазиятда жаҳон карахт ҳолатига тушиб қолгандай бўлди. БМТ қандайдир кучлар томонидан сеҳрлангандай ҳолат юз берди. Бош котибнинг дастлабки саъй-ҳаракатлари ҳам тўсиқларга дуч келди. Ҳамиша тезкорлик билан иш кўрадиган Хавфсизлик Кенгаши бу сафар бироз сусткашлик кўрсатгандай бўлди. Шубҳасиз, бундай пайтларда БМТга қўшимча ваколатлар ҳамда ҳақ-ҳуқуқлар зарурга ўхшайди. БМТ Бош котибига янги ваколатлар зарурлиги сезилиб қолди. Айниқса, ўта долзарб масалада Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари муроса йўлини топишолмаётган пайтда БМТнинг ҳақиқий халқаро ҳакамлик ваколати зарурга ўхшайди. Акс ҳолда у қарор қабул қилишда жуда катта ҳуқуққа эга бўлган бешта давлатнинг ўртасида ҳақ-ҳуқуқсиз ўйинчига ўхшаб қолади. Демак, жаҳоннинг - бош ҳакамига янги ҳуқуқ ва ваколатлар керак.

Аслида ҳам шундай. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, аввало, унинг Хавфсизлик Кенгаши қарорлар қабул қилишда ва уларнинг ижросини таъминлашда фақат мунозара минбаригина бўлиб қолмай, биринчи навбатда ўз таъсирини ўтказа оладиган жанговар сиёсий-юридик куч — Олий Ҳакам бўлиши керак. Бундай мақомга ислоҳотлар ўтказиш йўли билан эришиш мумкин. Бунга, шубҳасиз, барча давлатлар иштирокида, БМТ Бош Ассамблеяси ташаббускорлиги ва раҳнамолигида эришилади.

Бу борада таклиф ва мулоҳазалар кўп. Жумладан, БМТ Бош котиби Кофи Аннаннинг ўзи ҳам «Энг радикал ва узоқ истиқбол кўзланган ислоҳот» дастурини таклиф қилди. Бунда Хавфсизлик Кенгашининг доимий ва доимий бўлмаган аъзолари сонини 15 тадан 24 тага ошириш кўзда тутилади. Ислоҳотнинг иккита модели таклиф қилинади. Биринчисида Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари сонини ҳозирги 5 тадан 11 тага етказиб, янги аъзоликка Германия, Бразилия, Ҳиндистон, Миср, Жанубий Африка Республикаси ва Нигерияни қабул қилиш кўзда тутилади. Иккинчи моделда уч босқичли тизим таклиф этилади: бешта доимий аъзо — биринчи босқич, еттита ярим доимий аъзо — иккинчи босқич, худди ҳозиргидаги каби ҳар икки йилга сайланадиган доимий бўлмаган аъзолар — учинчи босқич. Аннаннинг таклифича, агар биринчи модел қабул қилинса, вето қўллаш ҳуқуқи ҳозирги бешта давлатда сақланиб қолади. Ўринли савол туғилади: унда нима ўзгаради? Бешта давлатдан биттаси вето қўллаб, ўзига маъқул бўлмаган ҳар қандай қарорнинг қабул қилинишига ғов бўлиши мумкин. Жаҳонни яна ўша бешта давлат бошқаради. Хавфсизлик Кенгашининг бошқа аъзолари эса камситилган ҳисобланади. Иккинчи моделда давлатлар мавқеларига қараб гуруҳларга ажратилгандай. Барибир ҳар қандай масаланинг ечими яна ўша бешта давлатга боғлиқ бўлиб қолади.

Агар эътибор берсангиз, ғалати бир манзара кузатилмоқда. Ҳозир Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси бўлган бешта давлатдан учтаси Европадан. Борди-ю, унинг сафи яна Европа ҳисобига кенгайса, бу қитъанинг бошқа қитъалардан устунлиги таъминланади. Ваҳоланки, бутун Европа аҳолиси, айтайлик, биргина Осиё аҳолисининг ярмича ҳам эмас. Жаҳон ҳамжамиятини асосан Европа бошқариши оқибатида Ғарбнинг қадриятларини ҳамда турмуш тарзини турли ниқоблар остида Осиё ва Африка халқларига тиқиштириш учун имконият яратилади. Ҳозирнинг ўзидаёқ шундай бўлаяпти. Бундан буён бу жараён тазйиқ остида ёки демократия ниқобида яна ҳам кучайиши мумкин. Унда халқаро ҳакам қандай йўл тутар экан — бу ҳозирча номаълум.

Бироқ бир нарса аниқ — халқаро ҳакам ислоҳотга муҳтож. Жаҳондаги аксарият мамлакатлар қатори Ўзбекистон ҳам бунинг зарурлиги ва аҳамиятини тушуниб турибди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 1995 йилнинг октябр ойида Бош Ассамблеянинг юбилей сессиясида сўзлаган нутқида бу борадаги ўз таклифларини аниқ-равшан қилиб ифодалаб берди. Жумладан, Хавфсизлик Кенгаши сафини кенгайтириш, мисол учун унга бугунги кунда жаҳон сиёсатида муҳим ўрин тутган Германия ва Японияни киритиш, қабул қилинган қарорларнинг тезкорлик билан бажарилишини таъминлаш учун БМТ Бош котиби ваколатларини кучайтириш, шунингдек, зиддиятли вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш манфаатларини кўзлаб БМТнинг халқаро минтақавий ташкилотлар билан ўзаро муносабатини кучайтириш юзасидан таклифлар киритди.

БМТ фаолиятидан шу нарса маълумки, аксарият ҳолларда қабул қилинган қарорларнинг, айниқса, Хавфсизлик Кенгаши резолюцияларининг бажарилишини таъминлаш жуда қийин кечмоқда. Ана шундай пайтда БМТ Бош котибининг ҳуқуқ ва ваколати етишмаяпти. Шу жиҳатдан олиб қараганда, Ўзбекистон раҳбарининг бу борадаги таклифи жуда ўринли ва асосли. Умуман, ислоҳот жараёнида БМТ нинг таъсир кучи, ҳақ-ҳуқуқлари ва имкониятлари билан боғлиқ ҳолатларни қайта кўриб чиқиш зарурати туғилмоқда. Бир сўз билан айтганда, халқаро ҳакамга янги ҳуқуқ ва имкониятлар керак.

**Иброҳим НОРМАТОВ,**
**сиёсий шарҳловчи**
**«Туркистон-пресс»**

# «КОСОНСОЙ»

## «Йилнинг энг яхши санаторийси» танлови ғолиби

***“Косонсой” ўтган йили касаба уюшмалари сиҳатгоҳлари ўртасида ўтказилган кўрик-танловда биринчи ўринни олди. У “Йилнинг энг яхши санаторийси” деб тан олинди ва сиҳатгоҳга биринчи даражали диплом, медал, қимматбаҳо совға топширилди. Бунга дам олувчиларга яратилган шароит, ходимларнинг тинмай изланиши, ўз ишига масъулият билан ёндошиши, фидойилиги эвазига эришилди. Шифо масканида кейинги бир-икки йил ичида даволанувчиларга хизмат кўрсатиш маданияти тубдан яхшиланди, даволашнинг илғор усуллари жорий этилди. Қуйида ана шулар ҳақида ҳикоя қиламиз.***

## КИСЛОРОДГА БОЙ МАСКАН

Ҳар йили минглаб юртдошларимизга саломатлик улашиб келаётган мазкур санаторий республикамиздаги энг машҳур дам олиш ва даволаниш масканлардан биридир. Бу ердаги салқин ва мўътадил ҳаво, тиниқ ҳамда минералларга бой сув, хушманзара жойларнинг ўзиёқ киши баҳри-дилини очиб, хушкайфият бағишлайди. Чотқол тоғ тизмалари музликларидан бошланадиган ва сиҳатгоҳ ёнгинасидан оқиб ўтувчи сойнинг муздай зилол суви ёз чилласида ҳам шу атрофнинг салқин ҳавосини таъминлайди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу ернинг ҳавоси ҳатто Кисловодскникидан ҳам тоза экан. Масалан, сиҳатгоҳ атрофида ҳавонинг кислород зичлиги 26 фоизни ташкил этади. Кисловодск ва Қримнинг жанубида эса бу кўрсаткич 25 фоиздир.

Сиҳатгоҳга кириб борар экансиз, нигоҳингиз мевали ва манзарали дарахтлар, уларнинг тагида очилган анвойи гулларга тушади. Буларнинг бари киши дилини яйратиб юборади. Бу ерга кираверишда икки қаватли бино жойлашган бўлиб, унда маъмурият, қабул қилиш, ошхона, кутубхона ва бошқа бўлимлар фаолият кўрсатади. Ундан сал нарида эса ётоқхона ва даволаш бўлими бор. Санаторийнинг умумий майдони 14 гектар. Ётоқхона 200 ўринга мўлжалланган бўлиб, яшаш учун ҳамма шарт-шароит бор. Фойе чиройли қилиб безатилган. Полга чўғдай поёндозлар тўшалган. Уч қаватли бинонинг ҳар бир қаватида телевизор ишлаб турибди. Бу ерда яхши ҳордиқ чиқариш учун юмшоқ мебеллар, стол ва стуллар қўйилган. Ётоқхоналар бир ва икки ўринли бўлиб, дилтортар поёндозлар тўшалган. Бундан ташқари, барча қулайликларга эга бўлган 22 та люкс хона мавжуд. Энг муҳими, ётоқхонадан даволаш биносига ўтадиган ёпиқ йўлак бор. Бу ўз навбатида ёмғирли ёки қиш кунларида ташқарига чиқмасдан туриб муолажа олиш имконини беради.

## АСОСИЙ ДАВОЛАШ ОМИЛЛАРИ

Санаторийда ҳаракат таянч органлари, ошқозон-ичак, асаб, юрак, қон-томир системаси, буйрак, нафас йўллари ва гинекологик касалликлар билан келган беморлар даволанишади. Асосий даволаш омили эса иқлим ва табиий маъданли сувдир.

— Иқлим таъсири билан даволашда ҳаво, қуёш, манзарали жойларга сайр қилиш кабилар кўзда тутилади, — дейди бош шифокор Нўъмонжон Мўйдинов. — Масалан, қуёш инсон организмига фаол таъсир қилувчи табиий воситадир. Унинг таъсирида одам танасида электр тебраниши вужудга келади. Натижада модда алмашинув жараёни тезлашиб, ҳўжайралар озиқланиши, ўсиши ва кўпайишига олиб келади. Аэротерапиянинг энг фаол усули эса ҳаво ваннасидир. У беморни даволаш ва чиниқтириш мақсадида қўлланилади. Ушбу муолажа сиҳатгоҳимизда эрталаб соат 9 дан 12 гача, куннинг иккинчи ярмида эса 17 дан 18 гача амалга оширилади.

Шифо маскани ёнида маъданли булоқлар ва сув манбалари мавжуд бўлиб, олимларнинг хулосасига кўра, инсон организми учун жуда фойдалидир. Уларни ичганда меъдада шира кўпаяди, қондаги ва пешобдаги қанд миқдори кескин камаяди, жигарнинг гликоген ҳосил қилиши яхшиланади, тўқималарнинг глюкоза ўтказувчанлиги ортади. Ванна қабул қилганда эса танада ҳарорат ортади, модда алмашинув жараёни тезлашади, тери капилярлари кенгаяди, касал аъзоларда қон айланиши яхшиланади, яллиғланишлар сурилади ва ҳоказо. Косонсой минерал сувида азот газининг кўплиги ваннада даволанишнинг аҳамиятини янада оширади.

Шунингдек, беморларни даволашда физиотерапевик усуллардан ҳам унумли фойдаланилади. Бунинг учун бу ерга УВЧ, УЗТ, ИКВ, Электросон, Электромассаж Тонус, Кварц каби замонавий тиббий асбоблар келтирилган. Сиҳатгоҳга келганлар бугунги кунда балчиқ, парафин, уқалаб даволаш, нур ва бошқа муолажалар олмоқдалар. Минерал сув билан даволашда эса айланма ва шарко души, ҳар хил ванналардан фойдаланилмоқда. Шу йилда даволаш бўлимини қайта таъмирлаш натижасида ёпиқ бассейн, сауна, сплеотетерапия, андрология хоналари ташкил этилди. Фитобар бўлими ишга туширилди.

## ЗАМОНАВИЙ ШАРОИТ МИЖОЗЛАРНИ ЧОРЛАЙДИ

Кейинги йилларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ва Курортлар бошқармаси ўзларига қарашли даволаш ҳамда дам олиш масканлари ишини жаҳон андозалари талаблари даражасига олиб чиқиш борасида кўплаб ишларни амалга оширишди. Бунда санаторийларнинг моддий-техник негизини мустаҳкамлаш, ётоқ ва ошхона бинолари, маданият масканларини қайта таъмирлаш, уларни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга катта эътибор берилди. Шунингдек, сиҳатгоҳлар ташхис-даволаш биноларини таъмирлаш ва уларни тиббиётнинг энг сўнгги ютуқлари асосида жиҳозлаш ишлари ҳам жадал суръатларда олиб борилмоқда. Бунинг сабаби бор. Чунки ҳозирги кунда республикамизда касаба уюшмалари санаторийларидан ташқари кўплаб корхона ва ташкилотларга тегишли ҳамда хусусий шифо масканлари фаолият кўрсатмоқда. Бу эса рақобат дегани.

“Косонсой”да ҳам шундай йўл тутилди. Бош шифокорнинг айтишича, мазкур сиҳатгоҳ 1985 йилда ўз фаолиятини бошлаган. Шунга қарамай, унинг баъзи бир бинолари қайта реконструкция қилинди, бошқалари эса тўла ёки жорий таъмирланди. Узоққа бормайлик. Бултур ётоқхона, ошхона, қозонхона, маъмурий ва қабул қилиш бўлими биноларини таъмирлаш учун 46 миллион 712 минг сўм сарфланди. 18 миллион 475 минг сўмлик тиббий асбоб-ускуналар олинди. Буларнинг бари сиҳатгоҳ фойдаси ҳисобидан бўлди. Жорий йилда эса Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан даволаш бўлимини қайта реконструкция қилиш учун 110 миллион сўм ажратилди. Натижада ушбу бўлим бутунлай ўзгача қиёфа касб этди.

Халқимизда қиш ғамини ёзда кўр, деган нақл юради. Шифо масканида ана шу мақолга амал қилган ҳолда ҳозирданоқ қишга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган. Бугунгача 1 та иситиш қозони, 6 та сув ҳайдаш ускунаси капитал таъмирдан чиқарилди. Ётоқхона, даволаш бўлими, иситиш линиялари жорий таъмирдан чиқарилиб, қувурлари тозаланди.





## ПУЛЛИК ХИЗМАТ қўшимча даромад манбаи

Бозор иқтисоди тадбиркорликни талаб этади. Буни ўз вақтида англаган сиҳатгоҳ маъмурияти қўшимча пуллик хизматни йўлга қўйиб, даромад манбаини кенгайтирмоқда. Санаторий-курорт карталарини тўлдириш, умумий уқалаш, ЭКГ, тиш шифокори хизмати ва бошқалар шулар жумласидандир. Умуман олганда шу йилнинг олти ойида санаторий бўйича 3 миллион 697 минг сўмлик қўшимча пуллик хизмат кўрсатилиши керак эди. Ҳақиқатда эса бу кўрсаткич 4 миллион 376 минг сўмга етказилиб, режа 118,4 фоизга бажарилди. Соф фойда 1 миллион 732 минг сўмни ташкил этди.

Бунинг натижасида сиҳатгоҳ ходимларини ижтимоий ҳимоялаш имкониятлари кенгайди. Масалан, ҳар бир ходим тўй ёки маърака ўтказса, у албатта моддий томондан ёрдам олади. Бу кўмакдан шу ҳудудда яшаётган, лекин сиҳатгоҳга алоқаси йўқ кам таъминланган, ёлғиз яшаётган кишилар ҳам фойдаланишмоқда. Ўтган олти ой давомида ана шундай кишилардан 4 нафари сиҳатгоҳ маблағи ҳисобидан даволанди. 472 нафарига амбулатория йўли билан ёрдам кўрсатилди.

## АТРОФДАГИ МАНЗАРАЛАР Қора денгиз соҳилидаги масканларни ёдимизга солди

Бу ерда дам олиб, даволаниб кетганларнинг аксарияти ижобий фикрларни билдиришади. Буни уларнинг дил изҳорлари битилган мактублардан ҳам билса бўлади.

— Андижон пахтачилик институтида қирқ йилдан бери ишлаб келаман, — дея ёзади Избоскан туманида яшовчи Деҳқонбой Рустамов. — Институт раҳбари муовини Абдурасул Ҳакимов ушбу сиҳатгоҳ ҳақида жуда илиқ фикрларни билдириб, турмуш ўртоғим билан дам олишимизни таклиф қилди.

Келиб хато қилмабмиз. Санаторий дарвозасидан киришимиз билан ходимлар бизни самимий кутиб олишди. Бу ернинг ҳавоси, шарқироқ сувлари, мусаффо булоқлари турмуш ўртоғимни ҳам, мени ҳам ўзига мафтун этди. Дам олувчиларга яратилган шарт-шароитлар, хоналарнинг орасталиги, муолажаларнинг турли-туманлиги, маданий-маиший ишларнинг аъло даражада эканлиги, шифобахш гиёҳлардан тайёрланган дамлама чойлар, ошхонадаги озодалик ва овқатларнинг хилма-хил ҳамда ширинлиги бизни қувонтирди. Атрофдаги манзаралар эса Қора денгиз соҳилидаги масканларни ёдимизга солди. Буларнинг ҳаммаси асаб ва суяк-бўғин хасталикларидан халос бўлишимизга шароит яратди. Шунинг учун сиҳатгоҳ маъмурияти ва шифокору ходимлардан жуда ҳам миннатдормиз.

Пахтаобод туманидан имтиёзли дам олиб кетган бир гуруҳ меҳнат фахрийлари ҳам сиҳатгоҳ тўғрисида илиқ фикрларни билдиришади.

— Ёқубов номли ширкат хўжалиги «Чек» маҳалласидан ушбу санаторийга келиб, даволаниб қайтмоқдамиз. Биринчидан, бизга ўхшаган кам таъминланганлар учун имтиёзли дам олишни ташкил қилган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашига раҳмат. Иккинчидан, дам олувчиларга яратилган шарт-шароит учун сиҳатгоҳ маъмуриятига миннатдорчилигимизни билдирамиз. Чунки бу ердаги тиббиёт ходимларининг хушмуомалалиги, хоналарнинг шинам ва саришталиги бизга яхши кайфият, кўтаринки руҳ бағишлади. Лаззатли таомлар, пишириқлар пишириб, дастурхонга тортаётган ошпазларни айтмайсизми. Деярли ҳар куни бош шифокор муолажа жараёнини кузатиб юриши, назорат қилиши унинг сифатли бўлишлигини таъминламоқда. Шунингдек, маданий-маиший, турли хил кўнгилочар тадбирлар ҳам даволанувчиларнинг саломатликларини тиклашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

## МАДАНИЙ ТАДБИРЛАР

Беморлар муолажадан кейин, хусусан кечқурунлари зерикиб қолмасликлари учун бир қанча тадбирлар уюштирилади. Масалан, ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари хушовоз хонандалар санаторий меҳмони бўладилар. Душанба ва пайшанба кунлари эса дам олувчилар чет эл ва ўзбек кино усталари томонидан суратга олинган кинофильмларни томоша қилишади. Чоршанба ва шанба кунлари клубда дискотека уюштирилади. Бу ерда вақти-вақти билан шоирлар, ёзувчилар ва бошқа жамоат арбоблари билан учрашувлар уюштирилади. Дам олувчиларнинг шахмат-шашка, биллиард, теннис ўйнашлари учун ҳам шароит яратилган. Бунинг учун ётоқхонанинг иккинчи қаватида жойлашган замонавий спорт зали мавжуд. Бундан ташқари мижозлар сўлим гўшаларга, тарихий зиёратгоҳларга олиб борилади. Жумладан, улар сиҳатгоҳ бўйлаб булоқларга, қирларга, сойларга, тоғларга, “Косонсой” дам олиш масканига, Муғтепа, Обчак, сув омборига саёҳатга олиб чиқилади. “Камарсада”, “Сафед булон”, “Балиққўл” зиёратгоҳлари бўйлаб сафарда бўлишади. Наманган шаҳридаги Бобораҳим Машраб, Косонсойдаги Маҳдуми Аъзам мақбаралари зиёрат қилинади. Кутубхона 3550 та бадиий, тарихий ва бошқа мавзулардаги китобга эга. Тоҳир Маликнинг “Шайтанат”, Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар”, “Меҳробдан чаён”, Ўткир Ҳошимовнинг “Икки эшик ораси” ва бошқа асарлари шулар жумласидандир. Абдулла Ориповнинг “Йиллар армони”, Муҳаммад Юсуфнинг “Эрка кийик”, “Ёлғончи ёр” шеърий тўпламларининг ҳам мухлислари кўп.

Биз ушбу саҳифамизда сиҳатгоҳ фаолиятини имкон даражасида қамраб олишга ҳаракат қилдик. Аммо халқимизда минг марта эшитгандан, бир марта кўрган афзалроқ, деган мақол бор. Шу боис дам олиб, даволанишни истовчиларга “Косонсой”га бир келиб кетишларини маслаҳат берамиз.

**Ғулом ЮСУПОВ,**
**«Ишонч» мухбири**





### *Хотира уйғонса, гўзал*

# КЎЗИДА ҚУЁШ КУЛГАН ОДАМ



«Театр — одамлар ўз ихтиёри билан келиб, юрагидаги дардини тўкиб соладиган муқаддас маскан».

Илк театрга келган кезларим бу сўзларнинг маъносини англамагандим. Бугун эса ушбу ҳикматга тушуниб етдим.

— Эҳ-ҳе, бу театрга кимлар келиб кетмади, болам, — дерди Ўзбекистон халқ артисти Маҳмуджон Ғофуров баъзида ўтмиш хотираларга берилиб. У киши билан умрининг охирги йилларида кўп ва хўп бирга бўлдик. Дилдан дардлашадиган одамига айланиб қолгандим ўша кезларда устани. Кўпинча Маҳмуджон акани билган ва билмаганлар ҳам у киши ҳақида гап очилса, «жуда ориятли, мағрур актёр эди...» деб таърифлашади.

Аммо мен суҳбатини олаётган Маҳмуджон ака ёш болалардай беғубор, қалби юмшоқ, тезда кўзлари намланиб қоладиган нуроний бир инсон эди. Кўпинча репитициядан чиқиб, бирга чой ичардик. Кун алламаҳал бўлиб қолса ҳам устанинг гурунглари тугамасди. Баъзи-баъзида:

— Боиржон, мен сизни режалаштирган ишларингиздан қолдирмаяпманми? — дея ҳижолатомуз савол берар экан, билдирмайгина ёшланган кўзларини даструмолчаси билан артиб қўярди ва жавобимни кутмасдан, — майли, сиз боринг, мен ҳам театрга кирай, ашулаларимни концертмейстр билан қайтарай, — дея ўрнидан қўзғалмоқчи бўларди.

— Ие, устажон нега ундай дейсиз. Энг катта режам — бу Сиз билан суҳбат қилиш, — дердим кўнглим алланечук бўлиб.

Уста таскин топгандай хўрсинади-да, ним табассум билан:

— Кўнгил дафтаримни негадир сизга очаман-да, болам, оғзингиз маҳкам.

Йигирма беш йил бир саҳнада ижод қилиш ҳар ҳолда устани феъл-атворини яхшигина билишимга имкон яратган, деб ўйлайман. Ташқаридан кузатганлар, устани кўпам меҳр-мурувватли қиёфада кўрмайди. Сўрашсалар ҳам беписанд қўл узатгандай таассурот қолдиради. Ҳамма билан киришиб гаплашмайди. Жини суймаган одамларни умуман ёнига яқин йўлатмайди. Негадир уста мени ўз гримхонасига олди — ҳамхона сифатида. Шуни ҳам айтиш жоизки, уста гримхонасига мендан бошқа бирорта актёрни таклиф қилмаган. Саҳнага чиқиш олди устани кийинишига ёрдам берардим. Ва яна хонамизни ҳар доим ораста қилиб қўярдим. Шунданми, устанинг кўнглига тушиб қолдим. Шундай буюк санъаткор, қалби уммон инсон, Муқимий театрининг асосчиларидан бўлмиш Маҳмуджон Ғофуровдек санъат дарғасининг назарига тушиш мен учун жуда катта шараф эди.

Суҳбатимиз ҳафтада бир ёки икки маротаба кечарди. Баъзи гурунгларимизда бирданига жиддий қиёфага кириб олар ва шартта ўрнидан туриб хайр-маъзурни ҳам насия қилиб кетиб қоларди. Мен на қаршилик ва на хайрихоҳлик қила олардим, ўшандай кезларда.

Одатда бир ишхонада узоқ бирга ишлашган одамлар бир-бирига кўпам эътибор қаратавермайди. Одатдаги сўрашишдан нарига ўтилмайди. Ҳар кунгидай келамиз-кетамиз. Бир зум дард сўрашга вақт тополмаймиз. Кунлар ўтаверади, ойлар кетидан йиллар шафқатсиз бостириб келаверади.

Устанинг оёқ олиши бошқача, сал оқсоқланиб юради. Кўриб-кўрмаймиз.

Уста ҳасса билан келяпти, гўёки кўриб-кўрмаймиз. Кейин эса ниманидир эслагандек, унга савол назари билан боқамиз:

— Ҳа, Маҳмуджон ака, ҳасса ушлаб қолибсиз? Тинчликми? Нима бўлди? — сўрашади шунчаки.

Уста шундай жавоб қилади:

— Улуғ одамлар мана шунақа ҳасса ушлаб юраркан-да. Шунинг учун мен ҳам олифтагарчилик учун шундай юрибман, — дейди ҳазил қилгандай бўлиб.

Кейин у театрга кириб кетади. Ўзи аранг юришига қарамай, концертмейстер билан ўйналган ролларини, ария-дуэтларини тўрт-беш соат такрорлайди. Алпомиш, Тоҳир, Равшан ва бир қанча роллар 30-40 йиллар олдин ўйналган, ҳозир бу спектакллар қўйилмайди. Лекин барибир ашулаларини ҳар кун такрорлайди. Бу ҳолатлар кимларнидир таажжубга солса, яна кимнингдир кулгисини қистатади. Ачинарлиси, баъзи бировлар истеҳзоли пичинглар ҳам қилишади.

Мен эса Устанинг дардли ҳикояларини тинглайман.

— Баъзида кўнглимни аллақандай туйғулар чўлғайди, — дейди у киши. — Ҳаётим бесамар ўтмадимикан, дейман ўзимга-ўзим. Театр мен учун қадрдон масканга айланиб улгурган. Биласизми, Боиржон, мен боримни театрга бердим. Қалбимнинг қўри шу муқаддас саҳнага тўкилди. Ёшлигим шу театр саҳнасида қолди...

Уста узоқ ўйланиб яна давом этади:

— Менинг кимлигимни одамлар эмас, шу қадрдон саҳна билади. Кўз ёшларим, оловли оҳларим, беғубор кулгуларим, юрагимдан чиққан севимли сўзларим, нолали оҳангларим шу театр деворлари, мухлислари, чироқлари, оркестр пультлари гувоҳлигида, шу табаррук САҲНАга жойланди. Баландпарвоз сўзлар эмас бу, болам. Бу — умр. Менинг ёшимга кирсангиз, буни теран англайсиз ва албатта, мени қалбан тушунасиз ҳам...

Уста кўзларидан оққан шашқатор ёшларни негадир бу гал артмайди. Олис-олисларга тикилади. Лаблари пичирлайди. Қандайдир нола қилади. Эҳтиётлик билан англаш учун вужудимни қулоқ қиламан.

— Эй, қуёш кўрсат юзингни, тундан бағир қонланмасун...

Англайман, сўлғин юзлари, ўзларига ярашган оқ сочлари, кўкимтир кўзлари, қариликдан сал осилган бақбақалари ва серхол, бироз қалтираб турадиган қўлларини кўраман. Кузатаман. Уста ўзи билан ўзи қолгандай, бир кулиб, бир қайғули қиёфада, армон билан, фиғон билан ҳиргойи қиляпти. Кўзлари остидаги ажинларда йиғилиб қолган кўз ёшлари қалқиб турибди. Бу сўзлар, бу кўринишлар тинчимни бузади, кўнглимни ўртайди. Кўзлари остидаги йиғилиб қолган ёшларни кўлмак сувга, аччиқ қалампирли сувга қиёс қиламан. Уста ўша кўз ёшларни алам билан, жаҳл билан артиб, яна ҳиргойида давом этади. Эшитилиб-эшитилмайди. Лаблари қалтирайди. Бурунларини тортади. Хўрсинади, оғзидаги тилло тишлари элас-элас кўринади. Ичимдан нимадир бўғзимга келади, типирчилаб сиртимга чиқмоқчи бўлади.

Наҳот?! Наҳот?! Бир пайтлар «шу актёрни кўраман, ролларидан баҳра оламан», деб театр эшигини бузишган, қўшиқларини айтишиб театрдан уйларига қайтишган. Шу даражадаги санъаткор эди Маҳмуджон Ғофуров!..

— Қандай бахтлисиз, болам. Сизнинг истиқболингиз энди-энди келаяпти. Бахтли онларингиз қучоғини очиб турибди. Мени эса сўроқсиз, шафқатсиз қарилик бағрига олган, маҳкам қучоғида ушлаган. У даврларни ким билди, кимлар билмади?! — Уста ўрнидан туради ва — майли, болам, мени эшитганингиз учун ташаккур! — дейди.

«Мен йиғладим. Сиз йиғламанг! Сиз кулинг, тўйиб-тўйиб кулинг! Ҳаёт неъматларидан қониб-қониб ҳузур қилинг. Илло, Сиз саҳна дўстлигини билдингиз. Билиб қўйинг, қадрдонингиз ўша саҳна бўлади. Саҳна билан гаплашинг, кўнглингизни, юрагингизни, борингизни унга ишониб топширинг. Шуни билингки, саҳнада хиёнат йўқ. Бу менинг гапим, билдингизми?!».

Уста кулади, титроқли, серхол қўллари билан сочларимни тўзғитар экан, яна табассум билан:

— Пешонангиз кенг экан. Пешонаси кенг одамнинг иқболи улуғ бўлади... — дейди-да, кетади...

Мен узоқ ўтираман, кўнглимдан нималар ўтаяпти, билмайман. Гоҳ енгил тортаман шундай буюк санъаткорга суҳбатдош бўлганимдан. Гоҳида эса ғам-андуҳга ботаман, буюк инсоннинг дарду, армонлари аччиқлигидан.

Уста, Маҳмуджон Ғофуров айтганларидай, гоҳи-гоҳида ўзимга сиғмай қоламан. Юракларим тўлиб кетади. Устани соғинаман, театрдан қидираман, саҳналардан излайман. Ўтирган, чой ичган жойлардан ахтараман, кутаман...

**Боир ХОЛМИРЗАЕВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист**

# ЁШ РАССОМ АСАРЛАРИ ҲИНДИСТОНДА

Гўзал ва сўлим гўшалардан бири Ғалаба қишлоғида қизалоқ дунёга келди. Унга яхши ният билан Зулфия деб исм қўйишди. Исми-жисмига монанд бу қизалоқ улғайган сари нафосат оламига меҳр қўйди. Рақс тушиб, қўшиқ айтди, шеърларни ифодали ўқиш машқини олди, расм чизди. Ота-онаси ундаги тасвирий санъатга бўлган қизиқишни кўриб бефарқ туролмади. Уни Урганч шаҳридаги тасвирий ва амалий санъат лицейига етаклаб келишди. Зулфиянинг бу ерда чизган биринчи расми «Зумрад ва Қиммат» эртаги қаҳрамонлари сиймоси эди. Жажжи қизнинг бу асари кўпчиликнинг эътиборини тортди. Унда миллий руҳ, ўзбек халқининг орзу-интилишлари, урф-одат ва азалий қадриятларига бўлган эҳтиром ҳисси уфуриб турарди.

Зулфия каштачилик ва замонавий тикувчиликка ҳам қизиқади. Шу боис у либослар эскизини чизишни канда қилмайди.

У ўз қишлоғини севади. Хоразм тўйларини, маросимларини, айниқса, воҳа момолари сиймосини ўзининг чизгиларида гавдалантиришга ҳаракат қилади. Зулфия миллийлик акс этган расмлари билан ўқувчилар ўртасида ўтказилган халқаро танловда иштирок этиш бахтига ҳам мушарраф бўлди. Бу нуфузли танлов Ҳиндистоннинг Шанқар шаҳрида бўлиб ўтди. Ўқувчи қизнинг асарлари танлов ҳайъати томонидан муносиб баҳоланиб, кумуш медал совриндори бўлди.

Тасвирий санъат фани ўқитувчиси Хадича Эрматова ўз шогирдининг дунёқараши кенг, одобли ва тиришқоқ эканлидан фахрланиб, илиқ фикрлар билдирди. 2005-2006 ўқув йилини Зулфия Каримова янада муваффақиятли якунлади. У якунланган ўқув йилида «Лицейнинг энг фаол ва одобли ўқувчиси» деб топилди. Яқинда унинг расмлар кўргазмаси намойиш этилди.

**Гавҳар РЎЗИМОВА,**
**Эрпўлат БАХТ**



### *Тадбир*

# «АЛЛА» ТАНЛОВИ

Зафаробод тумани маданият ва спорт ишлари бўлими ташаббуси билан «Алла» ижрочиларининг анъанавий туман кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда тумандаги 8 та қишлоқ, 2 та маҳалла фуқаролар йиғинларида истиқомат қилувчи 15 нафар аёл иштирок этишди. Улар момоларимиз анъаналарини давом эттириб, ўз услубларида аллани маҳорат билан ижро этишиб, ҳайъат аъзолари ва тўпланганлар олқишига сазовор бўлишди. Танловда ўзбек, қозоқ, тожик, рус ва бошқа миллатга мансуб аёллар ўз она тилларида аллани ижро этишди. Танловда С.Синдеров номли қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Карима Эркабоева ғолиб деб топилди. Ғолиб ва танлов иштирокчиларининг барчасига Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси туман кегаши томонидан қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Суратда: танлов ғолиби Карима Эркабоева.**

**Б.НОРҚУЛОВ олган сурат**

## ОЛТИН ЁЗ НЕЪМАТЛАРИ

Буюк истиқлолнинг 15 йиллиги олдидан "Олтин куз ярмаркаси" уюштирилиб, миришкор деҳқонлар етиштирган ноз-неъматлар шаҳарликлар дастурхонига тортиқ қилинаяпти.

Ўзининг 2700 йиллик юбилейига тайёргарлик кўраётган Қаршининг мавжуд 64 та маҳалласида яшайдиган аҳоли арзон нархдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш имкониятига эга бўлишди. Ҳозиргача шаҳарликларга 700 тоннадан зиёд ёз ноз-неъматлари етказиб берилди.

## НУРОНИЙЛАР ЭЪЗОЗДА

Ҳалқимизда "Қаринг бор — бараканг бор" деган нақл бор. Вилоятда дуогўй кексаларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилаяпти.

Ўзбекистон Мустақиллигининг 15 йиллиги олдидан воҳа иқтисодий ва ижтимоий юксалишига салмоқли ҳисса қўшган отахон ва онахонларнинг Тошкент шаҳрига саёҳати уюштирилаяпти.

Ҳозирга қадар Ғузор ва Чироқчи туманлари оқсоқолларидан иборат гуруҳ мамлакат пойтахтида бўлиб, тарихий ёдгорликлар билан танишдилар. Қариялар Мустақиллик аркаси, Шаҳидлар хиёбони, Мотамсаро она ҳайкали, Темурийлар тарихи ва Ўзбекистон тарихи Давлат музейлари каби муқаддас гўшаларни зиёрат қилдилар. Истиқлол йилларида Марказий Осиёнинг мегаполис шаҳрида рўй берган улкан ўзгаришлар билан танишдилар. Тошкент яқинидаги Занги ота қадамжосини зиёрат қилиб, ўтганлар руҳига дуои фотиҳа ўқидилар.

Чилонзор тумани фаоллари билан бир пиёла чой устида бўлиб ўтган учрашув, санъатимиз намояндалари ижросидаги куй ва қўшиқлар кексаларнинг кайфиятини янада кўтарди.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

### *Газетхон илҳоми*

## МУҲАББАТ

*Муҳаббат — оҳ чеккан ошиқ дарди бу,*
*Муҳаббат — гирёна гулнинг гарди бу.*
*Муҳаббат — кўнгилнинг яйрашларида,*
*Булбулнинг берилиб сайрашларида.*
*Муҳаббат — баҳорнинг биллур томчиси,*
*Муҳаббат — ҳисларнинг ёниқ номчиси.*
*Муҳаббат — туйғулар ёнишларида,*
*Муҳаббат — ёш дилнинг хонишларида.*
*Муҳаббат — яшаш ва суюниш демак,*
*Муҳаббат — афсус ва куйиниш демак.*
*Муҳаббат — кўнгилнинг сўқир кўзидур,*
*Муҳаббат — шеърият, шеърнинг ўзидир.*
*Муҳаббат — қалбларнинг кечинмасидир,*
*Муҳаббат — жумбоқлар ечинмасидир.*
*Муҳаббат — тасвирин чизиб бўлмаган,*
*Чизса ҳам шоирнинг кўнгли тўлмаган.*
*Муҳаббат — Армонлар ва шодлик-алам*
*Тасвирин чизишга, ожиздир қалам...*

**Суннатилла АКРОМХЎЖА ўғли**

## ИШОНЧ

*Бўронлар,*
*Довуллар*
*Ўчира олмас!*
*Ҳеч қандай*
*Ёвуз куч*
*Кўчира олмас —*
*муштдай юрагимнинг*
*Қўшиғи бўлиб,*
*Томир-томиримга тарқалиб кетган —*
*Эзгу тилагимнинг*
*Бир чўғи бўлиб,*
*Кўзим гавҳарини ошиён этган —*
*Она-Ватанни!*

**Неъмат ОРИФ, шифокор**

### *Битирувчи — 2006*

# ЙЎЛИНГИЗ ОҚ БЎЛСИН

***Айни пайтда мактабни тамомлаган ёшлар таълим даргоҳлари остонасида умид билан турган бўлсалар, шу олийгоҳларнинг битирувчилари олий маълумотли мутахассис сифатида илк меҳнат фаолиятини бошлаш арафасида. Улар юртимизнинг порлоқ эртасини қурувчилар ҳисобланишади. Ҳар бирининг вужудида туганмас ғайрат-шижоат қайнаб турибди. Хўш, айни шу лаҳзаларда уларнинг хаёлидан қандай ўй-фикрлар кечаяпти? Режалари, орзу-ниятлари қандай? Бу каби саволларга жавоб топиш мақсадида Жиззах вилоятидаги олий ўқув юртлари битирувчиларининг сўзларига қулоқ тутдик.***

**Дилмурод Ражабов — Жиззах Давлат педагогика институти физика-математика факультети битирувчиси:**

— Ўқишга кирган вақтда ниятларим бошқача, аниқроғи, жўн эди. Ўқиш жараёнида орзулар улканлашиб, ҳақиқий ниятга айлана борди. Мутахассислигимдан ташқари спорт билан шуғулландим. Курашдан 2-разрядим бор. Жиззах шаҳридаги Олимпия заҳиралари коллежидаги машғулотларга қатнашганим учунми, мени ўша ерга ишга таклиф қилишди. Диплом олгач, ушбу илм даргоҳига бориб, болаларга ҳам спорт, ҳам мутахассислигим бўйича таълим бераман.

**Илҳом Бекамов — ўзбек тили ва адабиёти факультетининг сиртқи бўлим битирувчиси:**

— Қишлоғимиз Бахмал туманининг энг хушманзара гўшасида жойлашган. Ўша ердаги ўзим ўқиган мактабда ишлайман. Ишдан ажралмаган ҳолда таълим олдим. Ўтган йили мен учун жуда қувончли воқеа юз берди. Шогирдларимдан беш нафари мен ўқиган олий даргоҳнинг талабалари бўлишди. Илмий иш қилиш, улуғ орзулар яхши, албатта. Лекин менинг ўрним она қишлоғимдаги мактабда деб ўйлайман. Шогирдларим келажакда жамият учун керакли инсон бўлишса, шунинг ўзи менга катта бахт.

**Дилдора Хўжаназарова — тарих факультети битирувчиси, Алишер Навоий номидаги давлат стипендияси соҳиби:**

— Ҳуқуқ соҳаси қиз болага тўғри келмайди дейдиганлар ҳам топилади. Бироқ, бу эски гаплар, менимча. Устозим — ҳуқуқшунослик фанлари доктори Комил Синдоров раҳбарлигида «Тадбиркорлик фаолияти субъектлари манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий масалалари» мавзуидаги илмий иш устида изланиш олиб боряпман. Ўтган йил шу номдаги рисолам нашрдан чиқди, газета ва журналларда мақолаларим чоп этилди. Ниятим — магистратурага кириб, илмий фаолиятимни давом эттириш.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Бизнинг институтда битирувчилар вилоят халқ таълими бошқармаси орқали мактабларга тақсимланади. Бироқ бу тақсимотга шунчаки бир ҳужжат сифатида қарайдиган, келажагини таваккалга боғлаб қўйган тенгдошларим ҳам йўқ эмас. Менимча, келажакни аниқ мақсадга йўналтирилган режа асосида қуриш керак. Интилганга толе ёр дейдилар, ахир.

**Тўлқин Мамадиёров — Жиззах Политехника институтининг автомеханика факультети битирувчиси:**

— Малакавий битирув ишим «2000-2005 йиллар давомида Жиззах шаҳрида содир этилган йўл-транспорт ҳодисалари таҳлили» мавзусига бағишланди. Кейинчалик тадқиқотимни давом эттирмоқчиман. Бироқ олдин ҳарбий хизматга бориб, Ватан олдидаги йигитлик бурчимни ўтаб қайтмоқчиман.

Эл орасида «вилоятда ишлаб чиқариш кам, Политехника институтини битирган мутахассислар иш топишолмайди», деган гап юради. Менимча, касб-корга эга одам ҳеч қачон хор бўлмайди. Масалан, хусусий автокорхоналар очиш, автопаркларга ишга бориб, уларнинг иқтисодий имкониятларини қайта тиклаш мумкин.

**Нафосат Турсунматова — саноат технологияси ва қурилиш факультети битирувчиси:**

—Ўқув амалиётимни «Ўз ЭКС Сайд» қўшма корхонасида ўтадим. Шу жараёнда бизга заводда қолиб ишлашни таклиф этишди. Демак, эртага республика аҳамиятига молик корхонада меҳнат қилишим мумкин. Шунингдек, институтимиздаги тартибга асосан, ҳар бир битирувчи маълум бир иш берувчи билан шартнома тузиши керак. Мен ҳам Жиззах шаҳридаги Уй-жой коммунал хўжалик касб-ҳунар коллежи билан шартнома имзоладим. Демак, коллежда талабаларга дарс бериш имкониятига ҳам эгаман.

***Уларнинг ўй-фикрларини тинглаб, хаёлимдан шундай мулоҳазалар ўтди: бугунги битирувчилар эртанги куннинг етук мутахассисларидир. Улар қайси даргоҳга бориб меҳнат қилишмасин, фақат эл-юртга фойда келтиришади. Бу борада ёш кадрларга олийгоҳда устозларидан олган сабоқ ва тажрибалари асқотиши шубҳасиз.***

**Зуҳра МАМАДАЛИЕВА,**
**Жиззах вилояти**

### *Спорт хабарлари*

## БИЛАГИ ЗЎР ЎЗБЕК ЙИГИТЛАРИ — ОЛТИН МЕДАЛ СОҲИБИ

Армрестлинг — бу қўл кураши дегани. Гарчанд, унинг ватани Америка саналса-да, бу спорт тури бўйича ҳамюртларимиз эришаётган ютуқлар таҳсинга лойиқ. Умид Аҳмедов, Фарид Усмонов, Жасур Алиакбаров, Комил Керимов сингари ўзбек армрестлингчилари номи бугун дунёга машҳур. Умид Аҳмедов олти карра жаҳон чемпиони саналса, Фарид Усмонов профессионал қўл курашчилари беллашувида муносиб иштирок этмоқда. Фахр билан эътироф этиш лозимки, улар армрестлинг ватани бўлмиш америкалик спортчиларни ҳам доғда қолдирмоқда.

Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида ниҳоясига етган жаҳон кубогининг иккинчи саралаш босқичида ҳамюртларимиз эришган натижалар юқоридаги фикримизга яққол мисол бўлади. Бир неча турнирлар ғолиби Жасур Алиакбаров яна ўзини кўрсатди. У мусобақаларда иккита олтин медални қўлга киритди. Унинг жамоадошлари Фарҳод Худоёров ҳамда Дмитрий Докучаевлар ҳам шоҳсупанинг юқорисидан ўрин олди. Алишер Худоёров ва Жамшид Усмоновлар кумуш медал соҳиби бўлди. Иқтидорли ёш спортчи Элиқат Усмонов эса учинчи ўринни эгаллади.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларидан кучли спортчилар иштирок этган ушбу мусобақаларда вакилларимиз умумжамоа ҳисобида фахрли иккинчи ўринни эгаллашди. Билаги зўр ўзбек йигитларининг бу ғалабаси Мустақиллик байрамига муносиб туҳфадир.

## РАМЗИЙ ТЕРМА ЖАМОАДА

Миллий терма жамоамиз ҳужумчиси Максим Шацких июл ойи якунига кўра, Украина рамзий терма жамоаси таркибидан жой олди. У сермаҳсул ўйини, ҳужумлар ташкил этиш ва чиройли якунлашда иштироки учун бу шарафга мушарраф бўлди.

У билан бирга ҳужум чизиғида «Шахтёр»нинг руминиялик футболчиси Чимрин Марика ҳам жой олди.

## МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНАДИ

Мудофаа вазирлиги ташаббуси билан спортнинг ҳарбий-амалий кўпкураш тури бўйича республика биринчилиги бошланди. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган ушбу мусобақаларда ҳарбий хизматга чақирилган ёшлар қатнашмоқда.

Мусобақа иштирокчилари спортнинг 100 ва 3 000 метрга югуриш, баландликка ва узунликка сакраш, ўқ отиш, автомобил ҳайдаш, турникда тортилиш, граната улоқтириш ҳамда сузиш турлари бўйича беллашадилар. Мусобақа ҳомийлари Халқ таълими вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ҳамда бош ҳомий Ўзбекистон Мудофаа вазирлигидир.

**А.ЮНУСОВ**

Ўзбекистон маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгашининг Қашқадарё вилояти бўйича вакили Муҳаббат Саидмуродовага отаси

**Кутфиддин ота**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

Ishonch

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Бизга қўнғироқ қилинг:
Котибият 153-52-78;
Хатлар бўлими 153-85-43;
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 153-87-63

Газета ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума ва шанба кунлари чиқади.

Бизнинг манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Навбатчи котиб - А.Алламуродов
Навбатчи муҳаррир - Ж.Шароффбоев
Навбатчи - Д.Аллакулова
Мусаҳҳиҳ - Д.Камолов

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Тиражи: 7556 E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru Буюртма Г— 1014

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Саҳифаловчи-дизайнер: З.Бакиров ва Ю.Михайловский

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Топширилди - 21.40